

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

48-сон
(1016)
2021 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

721. ««Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 ноябрдаги ўРҚ–733-сон Қонуни
722. «Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 ноябрдаги ўРҚ–734-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

723. «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони

724. «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПФ–29-сон Фармони
725. «Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 ноябрдаги ПҚ–23-сон қарори
726. «Термиз муҳандислик-технология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ–30-сон қарори
727. «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ–31-сон қарори

Бешинчи бўлим

728. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 2021-50-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-3*)
729. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги 20-мқ-сон «Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3338*)
730. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 26 ноябрдаги 75-сон ва Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 2021-49-сон «Алкоголь маҳсулотлари учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3339*)
731. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 ноябрдаги 37-2021-сон, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2021 йил 2 ноябрдаги 26-мқ-сон ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги 47-2021-Қ/Қ-сон «Ўрта махсус, касб-

хунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1461-2*)

732. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 03/ЮБ-12-сон «Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690-3*)

733. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 2 декабрдаги 22-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 2 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2202-4*)

734. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 2 декабрдаги 21-мх-сон «Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3340*)

735. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 2 декабрдаги 23-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-8*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

721 «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 10 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 11, 791-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 2¹-модда:

саккизинчи хатбошисидаги «сув объектдан» деган сўзлар «сув объектдан ёки сув хўжалиги объектдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин; қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари — сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари (туманларнинг ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, насос станциялари ва энергетика бошқармалари, мелиоратив экспедициялар, сув омборларидан ва йирик гидротехника иншоотларидан фойдаланиш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари)»;

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 декабрда эълон қилинган.

ўн бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн олтинчи — йигирманчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун ҳақ тўлаш — сув таъминоти ташкилотлари (сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари ва бошқалар) томонидан кўрсатиладиган сув етказиб бериш бўйича хизматлар ва бошқа сув хўжалиги хизматлари (сув хўжалиги объектларини таъмирлаш, сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланишда кўмаклашиш) учун шартнома асосида тўловларни амалга ошириш»;

ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилари тегишинча **йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 6-модда:

саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сув хўжалиги соҳасида давлатлараро муносабатларни ривожлантириш»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилона фойдаланиш, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш»;

тўққизинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 7-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича аниқ йўналтирилган рўйхатларни шакллантириш ва тасдиқлашда, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда кўмаклашиш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ҳамда тиклаш, томорқа ерларига сув етказиб бериш тадбирларини амалга оширишда кўмаклашиш»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) 8-модданинг иккинчи қисмидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 9-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекис-

тон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади»;

6) **11-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан ўтадиган кўприқлар, ўтиш йўлларини ва бошқа транспорт коммуникацияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш лойиҳалари сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини назорат қилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда зарур ҳолларда, энергетика, архитектура ва қурилиш органлари, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан (дарё транспорти юзасидан) келишиб олиниши лозим, шунингдек тошқин сувларини ўтказиб юборишни, сув объектларидан фойдаланиш режимини, сувларнинг ифлосланишига, булғанишига ва камайиб кетишига йўл қўймасликни, уларнинг зарарли таъсирининг олдини олишни таъминловчи тадбирлар ўтказилишини назарда тутиши керак»;

иккинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **18²-модда:**

тўртинчи қисмидаги «қишлоқ ва сув хўжалиги органлари» деган сўзлар «сув хўжалигининг фойдаланувчи ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи** ва **олтинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини молиялаштириш ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадаллари, шартнома асосида сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар, шунингдек қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган, сувдан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда, шунингдек лимитдан ортикча сув олинган, аъзолик бадаллари, сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, қонуннинг ҳамда шартнома шартларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилгунигача қадар сув истеъмолчиларига сув етказиб беришни тўхтатишга ҳақли»;

9) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик принциплари ҳамда бошқа шартлар асосида фойдаланишга берилиши мумкин, бундан сув омборлари, сел-сув омборлари, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари мустасно»;

10) **21-модданинг:**

тўртинчи қисмидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз «Оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **27-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Табий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома ер усти сувлари бўйича — сув хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, ер ости сувлари бўйича — геология ва минерал ресурслар органлари томонидан берилади.

Сунъий сув объектларининг сувидан махсус фойдаланиш ёки уларнинг сувини махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома:

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига, ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларига, магистрал каналлар (тизимлар) бошқармаларига, сув омборларидан фойдаланиш бошқармаларига, трансчегаравий сув объектларидан, вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларга, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаларига, мелиорация экспедицияларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — республика ёки вилоятлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан;

ирригация тизимлари бошқармаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — вилоят ёки туманлараро аҳамиятга молик сув объектларидан Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан;

сув истеъмолчилари уюшмаларига, шунингдек бошқа сувдан фойдаланувчиларга ва сув истеъмолчиларига — туман аҳамиятига молик сув объектларидан туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлимлари томонидан;

ўзлари хизмат кўрсатадиган зонада жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳамда бошқа сув истеъмолчиларига — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сув объектларидан туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан берилади»;

12) **29-модданинг матнидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

13) **30-модданинг иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **31-модданинг:**

биринчи қисмидаги «вақтинча фойдаланиш» деган сўзлар «вақтинча, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида фойдаланиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан вақтинча фойдаланиш муддати уч йилдан кам бўлмаслиги ва қирк тўққиз йилдан ошмаслиги керак»;

15) **35-модда биринчи қисми:**

бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувни тежаш ва рақамли технологияларни жорий этиш чораларини кўриши»;

16) **35¹-модда биринчи қисми бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **44-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, геология ва минерал ресурслар органлари тегишлилигига кўра шифобахш сувлар қаторига киритилган сув объектларидан, айрим ҳоллардагина соғлиқни сақлаш органлари ва курорт бошқармалари билан келишилган ҳолда бошқа мақсадлар учун фойдаланишга рухсат бериши мумкин»;

18) **45-модданинг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **48-модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув истеъмолчилари уюшмаларининг сувдан фойдаланиш режалари туманлар (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан умумлаштирилади.

Қуйидагилар:

туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими туман (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлими билан келишилган ҳолда — сув истеъмолчилари уюшмалари бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тегишли ҳудудий органлари билан келишилган ҳолда — туман (Қувасой шаҳар) ирригация бўлими бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги — Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича тузилган ҳамда умумлаштирилган сувдан фойдаланиш режаларини тасдиқлайди»;

20) **49-модда:**

иккинчи қисмидаги «улар давлат мулки бўлиб, хусусийлаштирилиши мумкин эмас» деган сўзлар «улар давлат мулкидир» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи ва тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Сув хўжалигидан фойдаланувчи ташкилотларнинг сув хўжалиги объектлари ва иншоотлари белгиланган тартибда, давлат-хусусий шериклик принциплари асосида фойдаланишга берилиши мумкин.

Сув омборлари, сел-сув омборлари, шунингдек йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари хусусийлаштирилмайди»;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

21) **50¹-модда:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобига ишлаб чиқилган ва жорий этилган сувни тежовчи технологияларнинг камида беш йил қўлланилишини таъминлаши»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сувни тежаш имконини берадиган агротехника тадбирларини, шу жумладан ерларнинг шўрини ювишда лазерли ускуна ёки узун базали ер текислагичлар ёрдамида ҳар уч йилда камида бир марта текислашни амалга ошириши»;

22) **51-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз **«Оқова»** деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қишлоқ хўжалиги экинларини оқова сувлар билан суғориш давлат санитария назорати органлари билан келишилган ҳолда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг рухсати билан, белгиланган тартибда амалга оширилади»;

23) **56-модда:**

номидаги «саноат мақсадларида ва иссиқлик энергетикаси эҳтиёжлари учун» деган сўзлар **«саноат мақсадларида ҳамда иссиқлик ва атом энергетикаси эҳтиёжлари учун»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектларидан саноат мақсадларида ҳамда иссиқлик ва атом энергетикаси эҳтиёжлари учун фойдаланувчи сув истеъмолчилари, ушбу Қонуннинг 35¹-моддасида назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сув таъминотининг айланма ҳамда такрорий тизимларини жорий этиш орқали сув сарфини камайтириш ва оқова сувларнинг оқизиб юборилишини тугатиш чораларини кўриши, шунингдек сувларнинг радиоактив ифлосланиши белгиланган нормалардан ошишига йўл қўймаслиги шарт»;

учинчи қисмининг русча матнидаги «сельского и» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **59-модданинги биринчи қисмидаги «қишлоқ ва»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) **60-модданинг иккинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

26) **63-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув объектлари балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун юридик шахсларга қонунчиликда назарда тутилган талабларга ва шартларга риоя этган ҳолда берилиши мумкин.

Сув объектларидан балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

27) **64-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув ҳавзаларида спорт ва ҳаваскорлик йўли билан балиқ овлашга овчилар ва балиқчиларнинг жамоат бирлашмаларига бириктирилган жойларда ушбу жамиятларнинг рухсатномаси асосида бепул ёки ҳақ эвазига рухсат этилади, бундан давлат қўриқхоналарининг, табиат боғларининг ва давлат биосфера резерватларининг ҳудудидаги сув ҳавзалари мустасно. Сув объектлари ёки уларнинг айрим участкалари овчилар ва балиқчиларнинг жамоат бирлашмаларига ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда бириктирилиши мумкин»;

28) **68-модда иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

29) **70-модданинг иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кема қатнови учун сув объектларидан фойдаланиш сув хўжалиги, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади»;

30) **XIX боб номининг ўзбекча матнидаги «Оқинди»** деган сўз «**Оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

31) **74-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи ва иккинчи қисмларининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

32) **75-модда:**

номининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «**оқова**» деган сўз билан алмаштирилсин;

33) **79-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув омборларидан фойдаланиш тартиби Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ҳолда, ҳар бир сув омбо-

ри, сув омборлари тизмаси ёки тизими учун Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қоидаларда белгиланади»;

34) **80-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув омборларининг тегишли техник ҳолатини ва ободонлаштирилишини таъминлайдиган тадбирларни уюштириш ва мувофиқлаштириш, шунингдек улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш сув хўжалиги органлари ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш органлари томонидан амалга оширилади»;

35) **82-модданинг:**

биринчи қисмидаги «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «Қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

36) **85, 86, 87** ва **90-моддаларнинг матнларидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

37) **98-модданинг русча матнидаги** «сельского и» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

38) **99-модда:**

биринчи қисми қўйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналари режимини бузиш»;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Оқинди» деган сўз «Оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

39) **101-модда:**

иккинчи қисмидаги «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги органларига» деган сўзлар «геология ва минерал ресурслар органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «оқинди» деган сўз «оқова» деган сўз билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан берилган рухсатнома асосида амалга оширилади»;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

40) **102-модданинг биринчи қисмидаги, 103-модданинг биринчи хатбошисидаги, 104-модданинг учинчи қисмидаги** «қишлоқ ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

41) **105-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув етказадиган зарарли таъсирдан муҳофаза қилиш, зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларнинг балансидаги объектларда тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан, сув истеъмолчилари балансидаги объектларда эса уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

42) **110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

43) **111-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг бош ва ҳавза (худудий) жадваллари, шу жумладан экотизим эҳтиёжлари учун оқизиб юбориладиган сувлар аҳолининг ва иқтисодиёт тармоқларининг сувга бўлган истиқболдаги эҳтиёжларини қондириш, шунингдек сувни муҳофаза қилиш ва сув етказадиган зарарли таъсирларнинг олдини олиш учун амалга оширилиши лозим бўлган асосий сув хўжалиги тадбирларини ва бошқа тадбирларни белгилаб беради»;

44) **113-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«113-модда. Сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилишда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда мониторингини юритиш тартиби

Сувдан махсус фойдаланувчилар ва махсус сув истеъмолчилари белгиланган тартибда сувдан фойдаланишнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади.

Сув ресурслари мониторинги сув ресурсларининг, шу жумладан ер ости сувларининг ўзгаришини аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда сув ресурслари ҳолатининг прогнозларини ишлаб чиқиш мақсадида ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш ва махсус сув истеъмоли чоғидаги сув ресурсларининг ҳисоби, ҳисоботи ҳамда мониторинги тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 ноябрь,
ЎРҚ-733-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

722 **Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 19 ноябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-модда-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 декабрда эълон қилинган.

лар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **128¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши (бундан телефондан қулоқчинлар орқали ва қўлларни ишлатмасдан туриб сўзлашувлар олиб бориш имкониятини берадиган бошқа ускуналар орқали фойдаланиш мустасно), —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **128²-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«128²-модда. Транспорт воситасини бошқариш вақтида теле-, видеодастурларни томоша қилиш мақсадида монитордан (дисплейдан) фойдаланиш

Транспорт воситасини бошқариш вақтида теле-, видеодастурларни томоша қилиш мақсадида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўрнатилган монитордан (дисплейдан) фойдаланиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **128³-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар ва транспорт воситалари спидометрлари кўрсаткичларидаги йўл қўйилиши мумкин бўлган жами хатолар ҳисобга олиниб, улар қайд этган тезликдан соатига 5 километр чегириб ташланган ҳолда, маъмурий жазо чораси қўлланилади»;

4) **135-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳайдовчининг ёнида Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ёхуд консуллик муассасалари томонидан берилган биометрик паспорт ёки идентификацияловчи ID-картаси мавжуд бўлган тақдирда, унинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини ўз ёнида олиб юриши талаб этилмайди»;

5) **135¹-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «бир баравари» деган сўзлар «иккидан бир қисми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкцияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **170-модданинг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«валюта бойликлари мусодара қилиниб, ўн беш суткагача маъмурий камоққа олишга ёки ушбу Кодексга мувофиқ ўзига нисбатан маъмурий камоқ қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) **175¹-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «ўн бараваридан йигирма бараваригача» деган сўзлар «етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **176³-модданинг санкцияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **245-модданинг биринчи қисмидаги** «128¹-моддасининг иккинчи қисмида, 128²-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **248-модда:**

биринчи қисмидаги «128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128¹, 128²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

5-бандидаги «128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128¹, 128²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128¹, 128²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «128²-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлар «128²-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **256-модда:**

биринчи қисмидаги «128¹-моддасининг биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128¹, 128²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги «128¹-моддасининг

биринчи қисмида, 128²-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар «128¹, 128²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 291-модда биринчи қисмининг:

«а» кичик бандидаги «137, 176³-моддаларида» деган сўзлар «137-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«д» кичик бандидаги «176³» рақами чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборотни (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, транспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгаллик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полислари ҳақидаги ахборотни) Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари ёки консуллик муассасалари берган биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-карта) асосида планшетлар ва компьютерлар воситасида фойдаланган ҳолда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан текшириш тартибини Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ягона электрон иш юритиш тизими доирасида 2022 йил 1 мартга қадар бўлган муддатда жорий этсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 4-банди 2022 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 ноябрь,
ЎРҚ-734-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

723 Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада ривожлантириш ҳамда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг истиқболли йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан қафолатли ҳимоя қилишга қаратилган:

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага** мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 2-иловага** мувофиқ;

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсиз-

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 декабрда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини 2022 йилда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Концепция, Стратегия ва «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш юзасидан масъулият жамоат хавфсизлигини таъминловчи давлат органларининг шахсан биринчи раҳбарларига юклатилсин.

2. Концепция ва Стратегияни босқичма-босқич амалга оширишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) — 2023 — 2025 йилларда ҳар йили жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий қилиш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин ҳамда ижросини қатъий назоратга олсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши (В.В. Махмудов) — ҳар ярим йилда давлат органлари раҳбарларининг «Йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган манзилли чора-тадбирлар дастурлари ижроси, шу жумладан мазкур дастурларнинг ҳудудлар кесимида амалга оширилиши юзасидан ҳисоботларини эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

3. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида оммавий тадбирларни ўтказишда ҳамда истироҳат боғлари, хиёбонлар ва бозорларда жамоат тартибини сақлашни ташкил этиш бевосита Миллий гвардия бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

2022-2023 йилларда туман ички ишлар органлари таркибидаги конвой бўлинмалари босқичма-босқич вилоят ички ишлар органларининг бевосита бўйсунувига ўтказилиб, ягона бошқарув тизими асосида туманлараро хизмат ўташ тамойилига мувофиқ қайта ташкил этилади.

Миллий гвардия (Р.М. Жўраев):

Адлия вазирлиги (Р.Қ. Давлетов) билан биргаликда бир ой муддатда жамоат тартибини сақлаш соҳасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати ички ишлар органлари билан бир қаторда Миллий гвардияга берилиши бўйича қонун лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда ҳудудларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жамоат тартибини сақлаш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида 2022 йилда Наманган, Фарғона, Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги, 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидаги Миллий гвардиянинг ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматни кенгайтириш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов, Б.Т. Абдуллаев):

Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ҳудудларнинг криминоген вазияти ва аҳоли зичлигидан келиб чиққан ҳолда туманлараро

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш меъёрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар тасдиқланган меъёрларга асосан маҳаллий бюджет ҳисобидан камида биттадан туманлараро патруль-пост хизмати бўлинмаларини ташкил этиш чораларини кўрсин;

2022 йил 1 майга қадар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ички ишлар органлари конвой фаолиятига конвой остидаги шахсларни электрон brasлетлар орқали назорат қилиш тизимини жорий этсин.

4. Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибini сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

воёга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюшмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ходисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Т. Абдуллаев зиммасига жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги жорий этилаётган бошқарув тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда Департаментнинг асосий вазифалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Департамент Стратегия, «Йўл харитаси» ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлашга оид чора-тадбирлар дастурларининг амалга оширилиши доирасида:

мунтазам мониторинг олиб бориб, белгиланган чора-тадбирлар сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли давлат органларига киритади;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида эришилган натижалар ва

аниқ кўрсаткичлар акс эттирилган батафсил ахборотни доимий равишда кенг жамоатчиликка етказиб боради;

ҳар чоракда умумлаштирилган ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига кiritади ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши муҳокамасига тақдим қилади.

6. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари мажлисларида ҳудудий ички ишлар органлари раҳбарларининг ўринбосарлари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиқлари томонидан ҳар чоракда жамоат хавфсизлиги юзасидан ҳисобот бериш, шунингдек, мазкур йўналишда кўрилаётган чораларнинг натижаларини танқидий муҳокама қилиб, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилади;

республикада жамоат тартибини оммавий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзага келганда ваколатли идораларнинг ҳаракатларини умумий мувофиқлаштириш вазифаси Департамент зиммасига юклатилади ҳамда унинг қошида ягона идоралараро бошқарув штаби ташкил этилади;

Департамент бошлиғи ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган жамоат хавфсизлигини таъминлаш тадбирларининг ягона мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади;

Департамент ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибига жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва пробация хизматлари киритилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов, Б.Т. Абдуллаев):

ваколатли давлат органлари билан биргаликда икки ой муддатда алоҳида шароитларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд куч ва воситаларни тезкор ва ягона идоралараро бошқариш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

ички ишлар органлари профилактика ва пробация инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларининг фаолиятини баҳолаш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ва самарадорлик индикаторларини ўз ичига олувчи рейтинг тизимини жорий этсин.

7. Маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар мақбуллаштирилсин ва уларнинг ягона рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашиш тақиқланади;

2024 йил 1 сентябрдан эътиборан Тошкент шаҳар ички ишлар органлари, 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб қолган ҳудудий ички ишлар органлари профилактика катта инспектори лавозимларига фақат олий юридик маълумотга эга бўлган ходимлар тайинланади;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

профилактика инспекторлари учун Ички ишлар вазирлиги Академияси сиртқи таълимига қабул қилинадиган ходимлар умумий сонининг камида йигирма беш фонзи миқдорида қабул квотаси ажратилади;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, фаолиятида юқори натижаларга эришган Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар органларидан иккитадан, қолган ҳудудий ички ишлар органларидан биттадан профилактика инспектори Департамент бошлиғи тақдимномасига асосан Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртқи таълимига имтиҳонларсиз қабул қилинади ҳамда бепул ўқитилади.

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т. Абдуллаев, А.И. Икромов) икки ой муддатда профилактика инспекторларининг ҳудудда, хусусан шаҳар ва қишлоқ шароитида фаолият олиб бориши бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи моделларни амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин ва улар бўйича ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

8. Белгилансинки:

пробация инспекторларининг фаолияти ҳудудий профилактика инспекторлари билан кунлик узлуксиз ҳамкорликда ташкил этилади;

пробация инспекторлари зиммасига профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдагиларнинг шахсини ўрганиш ва уларни ижтимоий мослаштириш ишларида профилактика инспекторларига амалий-услубий кўмаклашиш бўйича қўшимча вазибалар юкланади.

9. Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг пробация тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

пробация назоратидаги шахсларга ўрнатиладиган чекловлар доирасини, чекловларга риоя этишни таъминлаш ва назорат қилишнинг механизмларини аниқ белгилаш;

пробация назоратидаги шахсларга нисбатан юритиладиган ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби ва асосларини белгилаш;

пробация назоратидаги шахсларга ижтимоий-психологик ёрдам бериш ҳамда касб-ҳунар ўрганиш ва ишга жойлашишда кўмаклашиш тадбирларини, мутасадди органларнинг вазибаларини аниқ белгилаган ҳолда, яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга ошириш;

пробация назоратидаги шахслар ижтимоий-психологик портретининг ягона шаклини, уларни тоифаларга ажратиш мезонларини, янги жиноят содир этишнинг олдини олиш тартибини белгилаш.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) икки ой муддатда мазкур Фармонни инobatга олган ҳолда илғор хорижий тажриба асосида «Пробация тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

10. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов), Миллий гвардия (Р.М. Жўраев) икки ой муддатда ички ишлар органлари ва Миллий гвардиянинг шахсий таркиб ва унинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга

доир барча қонун ва қонуности ҳужжатларнинг нормаларини ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирувчи ҳамда ижтимоий ҳимоя чораларини қўллашнинг аниқ ва тўлиқ механизмларини белгиловчи Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов) манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

ички ишлар органларининг ҳудудий патруль-пост хизмати таркибида ўз маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич отлиқ отрядларни ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва Миллий гвардия қўмондони Р.М. Жўраев белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 ноябрь,
ПФ-27-сон

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**724 Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида***

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш мақсадида:

1. 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада (кейинги ўринларда — маҳаллалар) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчиси) лавозими таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш;

маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш;

доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш ҳамда ўқишни тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга ёрдам бериш;

маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 декабрда эълон қилинган.

махаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда қўмаклашиш;

махалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган етакчи тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга бириктириш;

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга қўмаклашиш;

махалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда қўмаклашиш;

махалладаги бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиш учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш.

Барча вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ҳоким ёрдамчиларига уларнинг вазифаларини амалга оширишда ҳар томонлама қўмак бериш учун шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

3. Қўйидагилар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти негизида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик);

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари;

туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари негизида туман (шаҳар) ҳокимликлари таркибида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликка Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик ҳузурида бир йил муддатга доимий фаолият юритадиган «Маҳаллабай ишлаш штаби» ташкил этилади;

Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси раҳбарларининг тегишли ўринбосарлари бир йил муддатга бошқа барча вазифаларни бажаришдан озод этилган ҳолда «Маҳаллабай ишлаш штаби»га хизмат сафарига юборилади.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш вазифаси юклансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

ҳоким ёрдамчиси лавозимига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, тижорат банклари, иқтисодий ва инвестиция комплексларига кирувчи бошқа идоралар, уларнинг ҳудудий бўлинмаларида бўлим (шўъба) бошлиғидан паст бўлмаган лавозимда ишловчи раҳбар ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг раҳбар ходимлари тайинланади;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади;

номзодларнинг интилувчанлиги, мақсадга йўналганлиги, қобилияти, тажрибаси кабиларни инобатга олган ҳолда тадбиркорлар, бошқа соҳа вакиллари, фаол ёшлар, раҳбарлик лавозимида фаолият юритмаётган ходимлар ва олий маълумотга эга бўлмаган фуқаролар ҳам ишга қабул қилиниши мумкин.

6. Вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларига ҳоким ёрдамчилари лавозимига тайинланган ходимларнинг аввалги иш жойидаги лавозимини икки йилгача муддатга

сақлаб қолиш, мазкур даврда ушбу лавозимга бошқа шахсларни муддатли меҳнат шартномаси асосида вақтинча ишга қабул қилиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги ҳоким ёрдамчиларини:

иш фаолияти натижаларига кўра Миллий кадрлар захирасига киритсин;

икки йиллик меҳнат фаолияти натижаларига кўра лавозимини ошириш юзасидан вазирлик ва идоралар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таклифларига асосан ҳоким ёрдамчиларини танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг:

«Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси» кўкрак нишонини таъсис этиш;

ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланган ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил этишга жалб қилинган шахсларни ушбу кўкрак нишони билан тақдирлаш амалиётини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Янги Ўзбекистон ислоҳотчиси» кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда жойларда «инсон кадри учун» шиори билан амалга оширилаётган ислоҳотларда ўзининг фаол иштироки, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича ташаббуслари билан бошқаларга ўрнатилган маҳаллалар ва ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириб бориш мақсадида «Энг намунали маҳалла» ва «Фаол ҳоким ёрдамчиси» каби кўрик танловларнинг мунтазам ўтказиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур Фармон асосида жорий этилаётган тизимнинг самарали ташкил этилишини, иш фаолиятида аниқланадиган муаммоларнинг жойида ҳал қилинишини таъминласин.

12. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги: бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини; икки ой муддатда Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 декабрь,
ПФ-29-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

725 Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ички ишлар органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг янги тизimini жорий этиш, ички ишлар органларида олий юридик маълумотга эга кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондириш, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари олдида турган муҳим вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидойи, ташаббускор профилактика (катта) инспекторларини Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда юриспруденция соҳасида бакалаврият

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 1 декабрда эълон қилинган.

таълим йўналиши мавжуд бўлган бошқа давлат олий таълим муассасаларига (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бундан мустасно) (кейинги ўринларда — олий таълим муассасалари) кириш имтиҳонларисиз сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

профилактика (катта) инспекторларига юриспруденция соҳасида бакалаврият таълим йўналиши бўйича сиртқи таълим шаклига ўқишга тавсияномалар бериш учун ички ишлар вазирининг ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи раҳбарлигида комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) ташкил этилади;

комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда ўқишга номзод профилактика (катта) инспекторларининг билим даражаларини аниқлаш учун тест имтиҳонлари ўтказилади;

комиссия раиси тест имтиҳонлари натижалари ҳамда комиссия ҳулосаси асосида ички ишлар вазирига тавсиянома берилган профилактика (катта) инспекторлари рўйхатини тақдим этади;

тавсиянома берилган профилактика (катта) инспекторлари рўйхати ички ишлар вазири томонидан ҳар йили июнь ойида тест имтиҳонлари натижалари ва комиссия ҳулосаси билан биргаликда, тавсия этилаётган олий таълим муассасалари кесимида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясига (кейинги ўринларда — Давлат комиссияси) тақдим этилади;

тавсияномалар олий таълим муассасалари ўртасида тенг тақсимланади;

Давлат комиссияси томонидан тавсиянома берилган профилактика (катта) инспекторларини сиртқи ўқишга қабул қилиш бўйича тегишли қарор қабул қилинади;

ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади ҳамда контракт маблағлари республика бюджети маблағлари ҳисобидан Ички ишлар вазирлиги орқали тўлаб берилади;

тавсияномага эга профилактика (катта) инспекторлари олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига қабул параметрларидан ташқари ўқишга қабул қилинади;

ички ишлар вазирига олий юридик маълумотга эга профилактика (катта) инспекторларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Давлат комиссиясига тавсияномалар сонини кўпайтириш бўйича таклиф киритиш ҳуқуқи берилади.

3. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов, Б.Т. Абдуллаев):

2022 йил 1 майга қадар 2022/2023 ўқув йилида юриспруденция соҳасида бакалаврият йўналиши бўйича сиртқи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш учун 100 нафар профилактика (катта) инспекторларига тавсиянома берсин;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб профилактика (катта) инспекторларини юриспруденция соҳасида бакалаврият таълим йўналиши бўйича сирт-

қи таълим шаклига ўқишга қабул қилиш учун тавсияномаларни 2 баробар-гача ошириш юзасидан Давлат комиссиясига асослантирилган таклиф киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) мазкур қарорга мувофиқ жорий этиладиган тартибга кўра, Ички ишлар вазирлигининг тавсияномаси асосида олий таълим муассасаларида сиртки таълим шаклида ўқиган битирувчиларга ички ишлар органларида камида беш йил хизмат ўтаб бериш мажбурияти юклатилади;

б) тавсияномалар берилган ходимлар билан ўқишни тамомлаганидан кейин беш календарь йил мобайнида ички ишлар органларида мажбурий узлуксиз хизмат ўташ ҳақида уч томонлама (Ички ишлар вазирлиги — профилактика инспектори — олий таълим муассасаси) шартнома тузилади;

в) тавсиянома асосида ўқишга қабул қилиниб, турли сабабларга кўра ўқишдан четлаштирилган ёки ўқишни тамомлагандан сўнг ички ишлар органларида беш йил хизмат ўтаб бермаган профилактика (катта) инспекторларидан ўқишга сарфланган тўлов-контракт маблағлари ундирилади. Бунда, қуйидаги ҳолларда профилактика (катта) инспекторларидан ўқишга сарфланган шартнома маблағлари ундирилмайди:

ички ишлар органларидан ҳарбий-тиббий комиссия хулосаси асосида бўшатиладиганда;

ходимнинг ота-онаси, ака-укалари ёки опа-сингилларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими ёхуд Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиси бўлиб, хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлганда;

ходим вафот этганда.

5. Ички ишлар вазирлиги (П.Р. Бобожонов):

а) бир ой муддатда профилактика (катта) инспекторларини олий таълим муассасаларининг сиртки таълим шаклига ўқишга киришга тавсия этишининг аниқ, шаффоф ва адолатли мезонларини ишлаб чиқсин ва тавсиянома бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

профилактика (катта) инспекторларига юриспруденция соҳасида бакалаврият таълим йўналиши бўйича сиртки таълим шаклига ўқишга тавсияномалар бериш учун комиссия тузиш ҳамда унинг асосий вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш;

мазкур қарор талаблари асосида ўқишга номзод бўлган профилактика (катта) инспекторларини саралаш ва рўйхатини шакллантириш тартибини белгилаш;

комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда ўқишга номзод профилактика (катта) инспекторларини тест имтиҳонларидан ўтказиш тартибини белгилаш;

тест натижалари асосида комиссия раиси томонидан ички ишлар вазирлигига тавсиянома бериш тартибини белгилаш;

комиссия хулосаси ва тест натижалари асосида ички ишлар вазири томонидан Давлат комиссиясига таклиф киритиш тартибини белгилаш;

б) 2022/2023 ўқув йили ва ундан кейинги ўқув йилларида тавсиянома асосида профилактика инспекторлари учун юриспруденция соҳасида бакалавриат таълим йўналишига ажратиладиган умумий қабул параметрларидан ташқари қўшимча қабул кўрсаткичлари юзасидан олий таълим муассасалари бакалавриатининг сиртқи таълим шаклида ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин;

в) профилактика (катта) инспекторларига олий таълим муассасаларининг сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун тавсияномалар бериш тадбирларини ҳар йили май-июнь ойларида ушбу қарор талабларига мувофиқ амалга оширсин;

г) бир ой муддатда Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга мувофиқ харажатлар сметаларига ўзгартиришлар киритсин;

д) манфаатдор идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д. Исламов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 ноябрь,
ПҚ-23-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**726 Термиз муҳандислик-технология институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, геология ва кончилик тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув жараёнига ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, ҳудудларда замонавий фикрлайдиган, рақобатбардош мутахассисларга бўлган эҳтиёжни босқичма-босқич қондириб бориш мақсадида:

1. Тошкент давлат техника университети Термиз филиали негизда Термиз муҳандислик-технология институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳаллий ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, геология ва кончилик тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, меҳнат бозорида рақобатбардош олий маълумотли мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни, шунингдек, замонавий технологиялар бўйича чуқур билимга эга мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш;

етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ва илмий лойиҳаларни жорий этиш, Институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш, битирувчиларнинг республика ва хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таҳсил олишларини ташкил этиш;

ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, жумладан замонавий таълим технологияларини татбиқ этиш, очиқ ахборот-таълим муҳитини таъминлаш;

ўқув жараёнини талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш ва амалий, жумладан тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтириш;

амалий илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантириш, уни илғор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш;

амалий ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга оширишни йўлга қўйиш, тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш, шунингдек, таълим олувчиларнинг инновацион ғояларини амалга ошириш учун грантлар жалб этиш.

3. Қуйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 декабрда эълон қилинган.

2025 йилга қадар Термиз муҳандислик-технология институтини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Термиз муҳандислик-технология институтини 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Институт давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Тошкент давлат техника университети Термиз филиали талабалари таҳсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича Институтда ўқишни давом эттиради ҳамда уларга ўқиш якуни бўйича Институт дипломи берилади;

Институтга талабаларни қабул қилиш сони ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси ва қўшимча қабул параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Институт Тошкент давлат техника университети Термиз филиалининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5. Институтга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг амалдаги рейтингида олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 таликка кирган хорижий олий таълим муассасасининг дастури асосида ўз таълим дастурларини шакллантириш;

иш берувчилар талабларини инобатга олган ҳолда ўқув режаларидаги назарий таълим улушини қисқартириш ҳисобига амалий машғулотлар ҳажмини ошириш, ҳафтада бир кунлик амалиёт тажрибасини қўллаш;

Институт фаолияти йўналишлари бўйича маслаҳат ва эксперт-таҳлилий хизматларни шартнома асосида кўрсатиш, шунингдек, тақдим этиладиган хизматларни самарали амалга ошириш учун илмий-тадқиқот ва инновацион хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этиш;

шаффофлик тамойиллари асосида хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда уларга меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ойлик маош ҳамда бошқа тўловларни белгилаш ва тўлаш;

профессор-ўқитувчиларни ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари ва «устоз-шогирд» тизими бўйича бажарган ишларининг натижаси бўйича рағбатлантириб бориш.

6. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) икки ой муддатда:

Институтни танлов асосида ишлаб чиқариш ташкилотлари, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида катта илмий ва амалий тажриба орттирган мутахассислар, устувор равишда, илмий даражага эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириш чорасини кўрсин;

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда Институтнинг ихтисослашган факультет ва кафедраларини мос йўналишлари бўйича давлат улушига эга йирик хўжалик юритувчи субъектлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин;

б) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Институтнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб етакчи олий таълим муассасаларида тегишли магистратура мутахассисликлари ва 2023 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўрсин;

в) Институт учун бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш ишларини ҳар йилги Инвестиция дастурида соҳага ажратилган лимитлар доирасида амалга ошириш юзасидан таклифларни Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига киритиб борсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Институт фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқа ҳудудлардан жалб этилган профессор-ўқитувчиларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Институтга яқин ҳудудда жойлашган кўп қаватли уй-жойлардан хизмат уйларини Институтга текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратсин.

8. Институт фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия ташкилотларининг грантлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши белгилансин.

9. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 288 «а»-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлар тегишли ҳудуди билан бирга Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июндаги «Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3101-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Институтнинг тузилмаси ва устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

шахсий жавобгар этиб олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 декабрь,
ПҚ-30-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги
ПҚ-30-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3290-сон қарорига 2-илованинг 31-позицияси «Олий таълим муассасаси номи» устундаги «Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали» сўзлари «Термиз муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарорига 1-илованинг 22-бандидаги «Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали» сўзлари «Термиз муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4410-сон қарорига 5-илованинг 10-позицияси «Олий таълим муассасаси номи» устундаги «Тошкент давлат техника университети Термиз филиали» сўзлари «Термиз муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 августдаги «Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ўртасида таълим жараёни ҳамда тармоқ ташкилотлари билан ишлаб чиқариш амалиёти узвийлигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5241-сон қарорида:

а) 1-илованинг 14-позицияси «Хузурида техникумлар ташкил этилаётган олий таълим муассасалари» устундаги «Тошкент давлат техника уни-

верситети Термиз филиали» сўзлари «Термиз муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 139 ва 140-позициялари «Олий таълим муассасалари» устунидаги «Тошкент давлат техника университетининг Термиз филиали», «Тошкент давлат техника университети Термиз филиали» сўзлари «Термиз муҳандислик-технология институти» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

727 Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПФ–29-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари (кейинги ўринларда — ҳоким ёрдамчилари) фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин, унинг таркиби 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси (Қўчқоров) бир ҳафта муддатда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида иқтисодиёт ва инвестиция комплексларига кирувчи вазирлик, идоралар, тижорат банкларининг масъул ходимларини (кейинги ўринларда — республика вакиллари) ҳар бир туман ва шаҳарга бириктирсин, уларнинг иш жойи, ойлик иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларини сақлаб қолган ҳолда, бириктирилган ҳудудга бир йиллик хизмат сафарига юборилишини таъминласин.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳамда маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) Республика

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 3 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

комиссияси ва республика вакилларининг ишчи органлари этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

а) Республика комиссияси аъзолари:

шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги маҳаллаларда (кейинги ўринларда — маҳаллалар) тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади;

ўзи бириктирилган ҳудуддаги республика вакиллари фаолиятига бевоқиф раҳбарлик қилади, мақсадли кўрсаткичларга эришилиши учун масъул ва жавобгар бўлади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан бирга ўзи бириктирилган ҳудудга ажратилган маблағларнинг туман ва шаҳарлар кесимида тақсимланишини таъминлайди;

б) республика вакиллари:

туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосари билан бирга марказлар ҳамда ҳоким ёрдамчилари фаолиятига кўмаклашади;

ҳар куни битта маҳаллага чиққан ҳолда камида ўнта хонадонга шахсан ташриф буюриб, мавжуд ҳолатни ҳоким ёрдамчилари билан бирга ўрганади, аҳолига амалга оширилаётган давлат сиёсати ва ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиради, аниқланган муаммоларни жойида ҳал қилиш чораларини кўради;

ҳоким ёрдамчилари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда ҳар бир маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини белгилайди, хонадонбай рўйхат асосида ҳар бир маҳалла кесимида ҳақиқий ижтимоий вазиятни аниқлайди ҳамда ойма-ой амалга ошириладиган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади;

ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқтаси»дан келиб чиқиб, етакчи тадбиркорлар ва ҳоким ёрдамчилари таклиф этаётган янги лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашади, маҳаллаларда аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган хизматлар турларини ривожлантиради;

аҳолини, биринчи навбатда ишсиз ёшлар ва аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш ишларини ташкил қилади;

туман (шаҳар) ҳокимлари ҳамда туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашади;

туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ҳудудга ажратилган маблағларнинг маҳаллалар кесимида тақсимланишини таъминлайди;

в) ҳоким ёрдамчилари:

маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий да-

ромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда маҳалладаги муваффақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб боради;

республика вакиллари билан биргаликда ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди;

ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингни амалга оширади;

амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда доимий равишда ҳокимга ҳисобот бериб боради.

4. Республика комиссияси аъзолари ва республика вакилларига маҳаллий бюджет даромадларининг орттириб бажарилган қисмидан маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш бўйича таклифлар маҳаллий вакиллик органларига киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ҳоким ёрдамчилари ўз вазифаларини амалга оширишда фойдаланадиган молиявий инструментларнинг 2022 йил учун манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

а) оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар — 10 трлн сўм;

б) аҳолининг бандлигини таъминлаш, уларнинг ўзини ўзи банд қилиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун ажратиладиган маблағлар — 1 218 млрд сўм, шундан:

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан иш билан банд бўлмаган аҳолига тадбиркорлик қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш учун субсидиялар, кредит ресурслари ва бошқа харажатлар учун — 785 млрд сўм, иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга, тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка ўқишга йўналтириш учун — 210 млрд сўм;

Жамоат ишлари жамғармасидан ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш харажатлари учун — 222 млрд сўм;

в) Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар — 50 млрд сўм;

г) ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун кўзда тутилган маблағлар — 250 млрд сўм;

д) «Саховат ва кўмак» жамғармаси, «Аёллар дафтари» жамғармаси, «Ёшлар дафтари» жамғармаси — 851 млрд сўм миқдорида.

Мазкур банднинг «б» — «д» кичик бандларида кўрсатиб ўтилган маблағларнинг республика ҳудудлари кесимидаги тақсимооти 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган маблағларни туман (шаҳар) ва ҳар бир маҳалла кесимида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва хонадонлар сонидан келиб чиқиб тақсимласин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кредитлар ажратишга масъул тижорат банклари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари мазкур бандда кўрсатилган харажатларнинг ойма-ой узлуксиз молиялаштириб борилишини таъминласин.

7. Белгилансинки:

мазкур қарорнинг 3-илоvasида* кўрсатилган, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ва Жамоат ишлари жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар дафтари» жамғармаси, «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун ажратиладиган субсидиялар ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади; ҳоким ёрдамчилари юқоридаги йўналишлар бўйича кредитлар ва субсидиялар ажратиш кўзда тутилган ҳар бир лойиҳанинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлигини чуқур ўрганган ҳолда уларни ажратиш учун масъул идора ва ташкилотларга ўз тавсиясини беради.

8. Ҳоким ёрдамчиларининг ойлик иш ҳақи миқдори улар бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қуйидагича белгилансин:

хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари миқдориди;

хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6,5 баравари миқдориди;

хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баравари миқдориди.

9. Белгилансинки:

ҳоким ёрдамчиларига тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори номзоднинг ушбу лавозимга ишга қабул қилингунга қадар аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган тақдирда етишмаган қисми ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиб борилади;

марказлар ходимларига туман (шаҳар) иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимлари ходимлари учун белгиланган ва Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин, унда, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутсин:

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқа худудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдо-рида турар жой ижараси харажатлари учун компенсация тўлаш;

иш фаолиятида яхши натижаларга эришган ҳоким ёрдамчилари ва рес-публика вакиллари ҳар ой мукофотлаш;

ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг аввалги иш жойи бўйича ўртача ой-лик иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиб бориш;

ўз шахсий автомобилдан фойдаланаётган республика вакилларининг транспорт харажатлари, шунингдек, бир ойда бир маротаба доимий яшаш жойига темир йўл транспортда бориб келиши учун компенсация тўлаш;

йил якуни бўйича ўзига бириктирилган худудда юқори натижаларга эришган республика вакиллари ва ҳоким ёрдамчиларига ипотека креди-ти асосида уй-жой харид қилиш учун уй-жой қийматининг 50 фоизигача субсидия тўлаш.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-даги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камба-ғалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда:

биринчи босқичда — 2021 йил 15 декабрга қадар республика вакил-лари учун янги жорий этилаётган тизимнинг туб моҳияти ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича бир ҳафталик ўқув-семинарлари-ни ташкил этсин;

иккинчи босқичда — 2021 йил 30 декабрга қадар республика вакил-лари иштирокида ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимлари учун амалий машғулотларни ташкил этсин;

учинчи босқичда — 2022 йил давомида ҳар чорақда республика вакил-лари, ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимлари ўртасида ўзаро тажри-ба алмашиш курсларини ташкил этсин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров:

уч кун муддатда ўқув-семинарларига иқтисодий ва инвестиция комплек-сларига кирувчи идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар-нинг етарли малака ва тажрибага эга бўлган раҳбар ходимларини жалб қилсин;

ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари фаолияти самарадорли-гини баҳолаш тизимини жорий этсин ҳамда доимий равишда уларнинг фа-олияти мониторингини олиб борсин.

Ўқув семинарларини ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекис-тон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожланти-риш агентлиги қошидаги Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қув-ватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланиши белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликлари зиммасига ўқув-семинарларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси юклансин.

12. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчиларини давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий

таълим йўналишларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра давлат гранти асосида сиртки таълим шаклига суҳбат асосида ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

13. Қўйидагилар:

хоким ёрдамчиси лавозими ва марказлар фаолияти ташкил этилиши муносабати билан туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг намунавий ташкилий тузилмаси 4 — 7-иловаларга* мувофиқ;

Туман (шаҳар) маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказлари ходимларининг чекланган сони 8-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Белгилансинки, ҳоким ёрдамчилари ва марказлар ходимларининг штат бирликлари мос равишда маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг ишга жойлаштириш инспектори, туманлар ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан ташкил этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш чораларини кўрсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорни;

хоким ёрдамчилари ва марказларнинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, ваколатлари ва жавобгарлигини белгилаш бўйича намунавий низомни тасдиқласин.

16. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан:

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни, марказларнинг устави ва тузилмасини тасдиқланиши;

хоким ёрдамчилари ва марказларни тегишли бино (хона), моддий-техника ва замонавий ахборот воситалари (мебель, компьютер тўплами, алоқа, Интернет ва бошқалар) билан таъминланиши бўйича чоралар кўрсин.

17. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х. Шерматов):

хоким ёрдамчилари ва республика вакилларига «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига уланган, масофадан туриб ҳисоботлар тақдим этиш ҳамда видеоконференцалоқа шаклида йиғилишларда иштирок этиш имконини берувчи махсус планшетлар ажратилишини таъминласин.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан бериладиган ижтимоий нафақалар, субсидия ва имтиёзли кредитлар

* 4 — 8-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

учун аризаларни махсус планшетларда қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш кўникмалари бўйича ўқув-тренинглари ташкил этсин.

18. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров:

ҳар ҳафтада Республика комиссияси, республика вакиллари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари ва ҳоким ёрдамчилари иштирокида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилсин;

ҳар ҳафтада ҳудудларга чиқиб, маҳаллабай ишлаш тизими асосида амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганиб борсин, ҳоким ёрдамчилари ва республика вакиллари фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминласин;

ҳар ойда амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

Республика вакиллари ва ҳоким ёрдамчиларининг мазкур қарорда белгиланган вазифалардан бошқа ишларни бажаришга, шу жумладан йиғилишларга Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров рухсатсиз жалб этиш тақиқлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ҳар ойда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича келиб тушаётган мурожаатларни таҳлил қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлигини ўрганиш, ўрганиш натижаларини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиб бориш амалиётини йўлга қўйсин.

20. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

21. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига мазкур қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳоким ёрдамчиси фаолиятини жойларда ташкил этиш ҳамда мазкур тизимни амалиётга тўлиқ татбиқ қилиш юзасидан кунлик назоратни амалга ошириш юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси (Р.А. Гулямов,

Б.М. Мавлонов) амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 3 декабрь,
ПҚ-31-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****728 «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорнинг 1-иловасига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш тўғрисида» 2021 йил 24 августдаги ПҚ–5231-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорининг (рўйхат рақами 3221, 2020 йил 24 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.02.2020 й., 10/20/3221/0203-сон) 1-иловасидаги Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг матни иловага** мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор 2022 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Раис**Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 24 ноябрь,
2021-50-сон

Келишилди:

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

2021 йил 23 ноябрь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси» да 2021 йил 29 ноябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси» да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ADLIЯ BAZIRINING
BUYRUGI

729 Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3338

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига асосан **буюраман:**

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 ноябрь,
20-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 30 ноябрдаги
20-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан
